# ҲАВЗИ КАВСАР

## ШАНБА УЧРАШУВИ

• *Шоҳмот*




**Мамажон Муҳиддиновни юртимиз шоҳмотсеварлари яхши билишади. У киши Ўрта Осиё ҳудудидан етишиб чиққан биринчи спорт устаси (мастер)! Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони. Бутуниттифоқ қишлоқ шоҳмотчилари чемпионатида уч марта ғолиб чиққан. Эндиликда халқаро арбитр, мураббий, Ўзбекистон шоҳмот федерациясининг биринчи вице-президенти. Мамажон акани шоҳмот мухлислари тенги йўқ шоҳмот шарҳловчиси, журналист сифатида ҳам яхши билишади. Ўттиз беш йиллик журналистлик фаолиятида тўрт мингдан зиёд турли жанрдаги материаллари эълон қилинган. "Ақл мўъжизаси", "Катакларда яширинган олам", "Шоҳмот адабиёти" каби ўттиздан ортиқ китоби нашр этилган.**

**— Гарчи кўпгина мутахассислар ўз фикрини билдиришган, "шоҳмотнинг ўзи нима?" деган савол маълум даражада жавобини топган бўлса-да, даврaларда ҳамон шу хусусда баҳс-мунозара давом этяпти. Айримлар шоҳмот спорт эмас, санъат дейишса, бошқалар уни фанга қиёслашади. Шоҳмот билимдони сифатида сизнинг шу ҳақдаги фикрингизни билиш муштарийларимиз учун қизиқарли бўларди, деб ўйлаймиз.**

— Аввало, шуни айтиш керакки, шоҳмотнинг ўзи нима — спортми, санъатми, фанми деган савол ва унинг атрофидаги баҳс-мунозара шу кунларда пайдо бўлган эмас. Бундан 900 йил муқаддам араб олими, адиб Ар-Роғиб Исфахоний: "Шоҳмот нима?" деган саволни биринчи марта ўртага ташлаб, унга жавоб беришга ҳаракат қилган экан. Менга қолса, гарчи шоҳмот ўзида спортни ҳам, фан ва санъатни ҳам қайсидир маънода мужассам қилган бўлса-да, уни ўз ҳолича — ШОҲМОТ дегим келади.

Ўйлайманки, шоҳмотсеварлар ва уни яхши биладиганлар менинг нима демоқчилигимни равшан англади. Бунга қўшимча қилиб жаҳон чемпиони Вильгельм Стейницнинг "Шоҳмотни руҳан ожизларга чиқармаган..." деган таърифини келтириб ўтишни истардим. Қаранг, бу гапда қанчалик кенг маъно яширинган.

Кишилар ҳаётида шоҳмотнинг ўрни беқиёс. Шоҳмот — кишининг ўз-ўзини тарбиялаш манбаи. У одамни ҳаётда янглишмаслик, тўғри йўлни топа билиш, керакли вазиятда иродани қўлга олиб, мураккаб ҳолатлардан чиқиб кетиш, фикр нури билан қадам босиш каби хислатларга ўргатади. Шошқолоқлик, енгилтаклик, узоқни кўра билмаслик хислатларининг охир-оқибатда панд беришини "64 катакли ҳаёт" яққол кўрсатади. Эркин Воҳидов таърифи билан айтганда, "Шоҳмот кишида дадиллик ва курашчанликни тарбиялайди, иродани, мақсад сари интилувчанликни шакллантиради". Бугунги иқтисодий қийинчилик даврида бундай хислатлар ёшларимиз учун ғоят зарур.

Кўп йиллик тажрибаларимдан яна шуни кузатдимки, шоҳмот ўйнайдиган одамларнинг ўзини тутиши, гаплари анчагина мантиқли бўлади. Балки ҳаётимнинг шоҳмот билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли менга шундай туюлар. Ҳар ҳолда, шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов ҳам буни эътироф этганди: "Шоҳмот фикрлашга ўргатади. Фақат юзага келган позиция ҳақида эмас, кейинчалик бу мантиқни ҳаётга татбиқ этишга ҳам ўргатади. Шунинг ҳам шоҳмот ўйнайдиган одамнинг хатти-ҳаракатлари, сўзсиз, анчагина мантиқли бўлади".

**— Шоҳмотнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида кўп ва узоқ гапириш мумкин, лекин уни ҳаётта кенгқамров билан татбиқ этишга келганда, ҳар доим жонкуярлар топилавермайди...**

— Тўғри. Лекин шоҳмотни оммавийлаштириш учун съезд чақириш ёки баландпарвоз шиорларни илгари суриш шарт эмас. Қолаверса, шоҳмот ортиқча сарф-харажат, шароит ёки ҳашаматли ўйингоҳларни ҳам талаб қилмайди. Шоҳмотни жаҳон даражасига кўтариш учун мактаблардаги жисмоний тарбия учун ажратилаётган соатларнинг ўзи кифоя. Айниқса, қишда шуғулланиш учун спорт иншоотлари бўлмаган қишлоқ мактабларида бунинг учун имконият катта. Фақат малакали мутахассисларнинг жуда камлиги бу ишда жиддий тўсиқлар туғдиради. Чунки шоҳмотни билиш — бу фақат доналарни қандай юришни билиш дегани эмас. Афсуски, бизнинг мактабларда шоҳмотни келажак ворисларига ўргатишда жуда жўн ёндашилади.

Билимнинг деярли ҳамма соҳалари бўйича дарсликлар, қўлланмаю кўргазмали қуроллар бор, лекин шунга қарамай, мактаб, олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳамон ўқитувчилар ҳам мавжуд. Ўқувчи ёки талаба ўша китобларни ўзи мутолаа қилиб ўрганаверса бўлмайдими? Йўқ, албатта. Шоҳмотда ҳам шундай. Кейинги ярим асрда яратилган шоҳмот адабиётлари ҳар жиҳатдан бошқа соҳадаги адабиётлар билан тенглаша олса-да, муаллим тўгарак раҳбарлари ёки мураббийларнинг ўрнини босолмайди. Институтни битириб бораётган жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз эса шоҳмотга наридан-бери "алоқаси бор"лардан иборат. Бунинг сабаби бор. Негаки, улар ўқувчига шоҳмотдан ташқари яна қанчадан-қанча спорт турларидан сабоқ бериши керак. Шунинг учун ҳам улар ўқувчиларга жаҳон шоҳмот оламидаги зарур ахборотларни етказиш у ёқда турсин, шоҳмот адабиётлари асосида сабоқ беришни ҳам четга суриб қўйишади.

**— Болани неча ёшдан шоҳмотта ўргатган маъқул?**

— Тадқиқотлар беш-олти ёшли болалардаги билимларни ўзлаштириш ҳамда умумий ўсишнинг потенциал руҳий, физиологик имкониятлари ҳозиргача фараз қилиб келинганидан анча юқори эканлигини кўрсатди. Демакки, болаларни шу ёшдан шоҳмотга ўргатиш мумкин.

**— У боланинг ақлий зўриқишига олиб келмайдими?**

— Математика, музика, рассомликдаги каби шоҳмотда ҳам болаларнинг эрта "вояга етиб" қолган ҳолатлари учраб туради. Бундай болалар 10—12 ёшида шоҳмот усталари билан беллашиши мумкин. Агар уларнинг руҳий жиҳатдан саломатлигига ишонч бўлса, бундай болаларга қўшимча шароитлар яратиб бериш жоиз.

**— Мамажон ака, шу пайттача бизнинг юртда битта гроссмейстер бор эди. Эндиликда уларнинг сони тўрт нафарга етди. Шу билан шоҳмот юртимизда ривожланишнинг янги босқичига кўтарилди, дейишга ҳақлимизми?**

— Албатта, шоҳмотнинг ўлкамизда тобора ривожланаётганлигини эътироф этиш жоиз. Лекин ўша тўртта гроссмейстерга истиқлол туфайли эришганлигимизни ҳам таъкидлаб айтиш керак. Бошқа соҳалар каби шоҳмотимиз ҳам собиқ СССР соясида жаҳон кўрмай келаётган эди. Дастлабки имкониятдаёқ шоҳмот жамоамиз Олимпиадада иккинчи поғонага кўтарилди. Гроссмейстерла-римизнинг кўпайишида ана шу муваффақиятнинг ҳиссаси катта бўлди.

**— Биринчи гроссмейстер Георгий Аъзамовнинг гроссмейстер бўлишини 20 йил аввал башорат қилган экансиз. Ҳозирги ёшлар орасида кимлар сизнинг назарингизга тушди?**

— Тошкентлик 16 ёшли шоҳмотчи Рустам Қосимжоновнинг келажагидан катта умид қилса бўлади. Самарқандлик 18 ёшли Марат Жумаевнинг ҳам имкониятлари катта. У ёшлар ўртасида икки марта Осиё чемпионатида қатнашиб, икки сафар ҳам тўртинчи ўринни эгаллади. Агар улар ўз устида мунтазам ишлашса, гроссмейстерларимиз сафи янада кенгаяди. Умуман олганда, мамлакатимизда ёш шоҳмотчилар авлоди улғайиб келмоқда. Юқорида тилга олганларим сафига сурхондарёлик Бегали Саидовни ҳам қўшиш мумкин. Лекин у ҳали жуда ёш.

**— Асл касбингиз темир йўл муҳандиси экан. Шоҳмотта қандай келиб қолгансиз?**

— Тўғри, ўн йилдан ортиқ Ўрта Осиё темир йўлида темир йўл инженери бўлиб ишлаганман. Шоҳмот билан эса жуда ёшлигимдан шуғулланганман. Шоҳмот федерациясига ўтишим масаласига келсак, бу ўша пайтдаги раҳбарларнинг илтимосига кўра рўй берган эди.

**— Демакки, сиз темир йўл инженерлигидан сўнг шоҳмот федерациясида ва журналист сифатида фаолият кўрсатгансиз. Унда тарих фанлари номзоди унвонини қачон, қандай илмий ишингиз учун олгансиз?**

— Ўн йил Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих институтида илмий ходим бўлиб ҳам ишлаганман. Ўшанда ҳали ҳеч ким қўл урмаган нарсага жазм қилдим: собиқ СССРда биринчи бўлиб шоҳмот тарихига бағишланган тадқиқот олиб бордим. "Ўзбекистонда шоҳмот маданияти тарихи" илмий ишим учун тарих фанлари номзоди бўлганман.

**— Шу серқирра фаолиятингиз давомида ҳукумат томонидан рағбатлантиришлар олганмисиз?**

— Йўқ. Лекин шуни айтиш керакки, қаерга бормай, менга ҳамма эшиклар очиқ, ҳурмат қилишади. Мен учун энг олий мукофот шу.

**"Халқ сўзи" мухбири**
**Расул ЖУМАЕВ суҳбатлашди.**



**СУРАТДА: М.Муҳиддинов шоҳмотсеварларга сеанс беряпти.**

## НАВОИЙ КУЙ БАСТАЛАГАНМИ?



*...Улуғ шоир куй-қўшиқни ғоят севган... Балки у бастакор ва мусиқашунос ҳам бўлгандир. Мусиқа санъатига доир махсус "Рисолаи мусиқа" номли тадқиқот ёзгани ҳам маълум. Лекин ҳозирча навоийшунослик фанида бу ҳақда тўлиқ маълумот топилганича йўқ. Гарчи Алишер Навоийнинг мусиқа, умуман, санъат соҳасидаги фаолиятини бевосита белгиловчи омиллар ҳалигача аниқланмаган ёхуд бизгача етиб келмаган бўлса ҳам, унинг "Зафарнома", "Маҳбуб ул-қулуб", "Хамса ул мутаҳаййирин", "Мажолисул нафоис" каби асарлари ва достонларида, жумладан, "Сабъаи сайёр"да рассом Моний, ашулачи Дилором маҳоратига бағишланган мисраларига қараганда, у назм, меъморчилик, тарих, фалсафа қатори мусиқа санъатидан ҳам хабардор бўлган. Ҳатто Навоий даври, замондошлари ва унинг ўзи ҳақида ёзилган китоблардан маълум бўлишича, шоир куйлар ҳам басталаган. Масалан, Бобур: "Навоий мусиқада яхши нарсалар яратди, унинг "Нақш" ва "Пишвори"лари бор", деб ёзади. Асрлардан буён мусиқа шинавандаларини мафтун қилиб келаётган "Қандин Навоий" ёхуд "Қари Наво" деб аталувчи гўзал куй ҳам Алишер Навоий томонидан басталанган, деган тахмин бор.*

*Алишер Навоий мусиқа санъатини чуқур тушуниб, оҳанглар сеҳридан қаттиқ таъсирланувчи қалб соҳиби эди. У ўз замонасидаги шоирларни куй басталаш маҳоратини билишга даъват этиб, соз чала билган шоир мусиқий шеърлар ёзиши мумкин, деган фикрни олға суради. Ўзига яқин бўлган шоирларга эса чолғудан мусиқий садо тарата олмаслик шоирликнинг нуқсонидир, деб уқтиради.*

*"Бобурнома" саҳифаларида ёзилишича, шоир Биноий мусиқа санъати сирларидан хабарсиз бўлганлигини Навоий бир неча маротаба унинг юзига солади. Бир йили эса Навоий Бадиуз-замон билан Марв шаҳрида истиқомат қилиб қолишга мажбур бўлади. Ўша йили Ҳиротда қолган Биноий қиши билан чолғу чалишни машқ қилади. Ҳатто куйлар ҳам басталай бошлайди. Баҳорда Навоий Ҳиротга қайтгач, Биноий шоир ҳузурида "Савт" ва "Нақш"лар чалиб, ўз созандалик маҳоратини намойиш қилади. Шунда Алишер Навоий Биноийга таҳсинлар ўқиб, "Мана, бинойидек созанда бўлиб қолибсиз", деган экан.*

*Алишер Навоий замонасидаги мусиқа санъати тараққиёти даражасидан тўла хабардор бўлган. Ўз ижодида мақом ашулалари орасида учрайдиган "Соқийнома" ва "Нақш" куйлари шаклида ғазал ва шеърлар ҳам яратган. Ғазалларининг эса ниҳоятда мусиқий янграшига интилган. Улуғ шоирнинг ғазал ва шеърлари ўзининг оҳангдорлигию мусиқийлиги билан эмас, уларда кўтарилган умуминсоний мавзулар, уларнинг чуқур инсонпарварлик ғоялар билан тўлиб-тошганлиги, улардаги юксак манзум маҳорат V асрдан буён бастакор ва ҳофизларнинг қалбини тўлқинлантириб, уларни ижодга чорлаб келмоқда...*

**Фрунзе ЖЎРАЕВ,**
**санъатшунослик номзоди.**

## ФАЗОГИРЛАР МАКТАБИ

**Паркент туманидаги Невич қишлоғида Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик тўйи ва фазогир Юрий Гагариннинг 60 йиллик юбилейи олдидан VI халқаро ёзги аэрокосмик мактаби очилди.**

Унда Покистон, Туркия, Россия, украиналик мактаб ўқувчилари билан бирга Марказий Осиё республикалари вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Бундай халқаро тадбирни ўтказишда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси, "Қанот Сервис" фирмаси, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки, Ўзинвестбанк, "Крамде-Дост" корпорацияси ҳомийлик қилмоқда.

Турли мамлакатлардан келган мактаб ўқувчилари ўн кун давомида жуда кўп билимларни ўзлаштиришлари лозим бўлади. Бу ерда замонавий космик тадқиқотлар билан боғлиқ билимларни ўрганиб, космонавтика ва астрономия тарихига оид кўпгина маълумотларга эга бўлиб, ракета, тайёра ёки бошқа учув аппаратлари шаклини лойиҳалаш, ясаш билан машғул бўладилар. Энг қобилиятли болаларга эса олий ўқув юртларига кириш учун тавсияномалар бериш кўзда тутилмоқда.

**Ф. САНАЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## ЮРТИМ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



**СУРАТЛАРДА: Намангандаги мулла Қирғиз мадрасаси; Қарши шаҳрининг бош майдони.**

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар. (ЎзА).**

## ЎТАЁТГАН КУН — ТАРИХ

Учқудуқ шаҳри ва унинг атрофидаги қўрғонларнинг пайдо бўлганига ўттиз йил бўлаётир. Бу катта муддат эмас. Лекин шунга қарамай, геолог В. Марченко Учқудуқ шаҳрида музей очишга улгурди.

Одатда биз музейларга қадам ранжида қилганимизда, минг йиллик ва ундан узоқ ўтмишга бориб тақалувчи тарих билан юзма-юз бўламиз. Аммо Учқудуқдаги музей кўргазмалари мана шу маскан ер ости бойликларининг кашф этилиши тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

## "УМИД" ПАЙДО БЎЛДИ

Вилоят матбуот бошқармасида яна бир нашр рўйхатдан ўтди. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси, вилоят ижтимоий суғурта жамғармаси, меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси ҳамда вилоят ногиронлари "Умид" ассоциацияси муассислик қиладиган янги газета "Умид" деб номланади.

Газетанинг биринчи сони Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги байрами арафасида муштарийлар қўлига бориб етади.

**М. МАРДИЕВ.**

• *Хандалар*

## *«Мендан 300 сўм қарз олган жойингга келмадингми ҳали?»*

**Бир одам карвонсарой эшигини қоқди.**
**— Ким бўласиз! — деб сўрапти саройбон.**
**— Абу Али Баширидин қози Низомиддин Муҳаммад Аҳмаджон Али Чоший Қодириддин бўламан,— деб жавоб берибди бояги одам.**
**— Вой, бў-ў, тақсирлар, бунча одамга жой топилмайди,— деб жавоб берибди саройбон.**

***

**Доктор:**
**— Модомики, сиз ҳузуримга биринчи бўлиб келган экансиз, ҳаммасини бир бошдан гапириб беринг.**
**Бемор:**
**— Бажони дил. Шундай қилиб, худои таоло даставвал осмон билан ерни яратди...**

***

**Ёш рассом машҳур танқидчига мурожаат қилди:**
**— Сиз ҳозиргина кўргазмада кўриб чиққан суратни мен чизганман. Шу сурат ҳақида нима дея оласиз!**
**— Бу суратни чинакам санъат дейиш қийин...**
**— Нега энди! Ахир мен бу суратни кечагина 5 минг франкка сотдим-ку!**
**— Мана бу ишингизни чинакам санъат деса бўлади...**

***

**— Кеча мен электричкада бир шиша коньяк қолдириб кетибман. Эҳтимол, бу ерга олиб келингандир! — деб сўрабди бир киши полиция маҳкамасидан.**
**— Йўқ, коньяк келтирилгани йўқ, аммо уни топиб олган одам келтирилди.**

***

**Бир одам қишлоққа бориб, 90 яшар чолга дуч келибди.**
**— Бу қишлоқнинг энг кексаси сиз бўлсангиз керак-а!**
**— Йўқ, менинг отам. У киши 109 ёшдалар.**
**— Ўҳ-ҳў! Табаррук одам эканлар. У кишини зиёрат қилсак бўладими!**
**— Имкони йўқ, у киши қўшни қишлоққа бобомни кўргани кетганлар.**

***

**Бир киши расмчининг олдига бориб:**
**— Тез суратимни ол! — депди-да, фотоаппаратга орқасини қилиб турибди.**
**— Нега тескари турибсиз!**
**— Расмимни аразлашиб қолган ошнамга юбораман.**

***

**Икки альпинист баланд қояга чиқиб кетишаётган экан, бири тойиб тушиб кетибди.**
**— Бирор жойинг лат егани йўқми! — деб қичқирибди ўртоғи.**
**— Билмадим, ҳали пастга етиб борганим йўқ,— деб жавоб берибди тушиб кетаётган шериги.**

***

**Китоб магазинига кирган киши сотувчи аёлдан сўради:**
**— "Эркаклар аёлларни эъзозлаши керак" деган китоб борми!**
**— Фантастика бўлими қўшни хонада.**

***

**Ширакайф дам олувчи ресторандан чиқиб, эшик олдида турган серҳашам кийимдаги одамга мурожаат қилди.**
**— Тезроқ такси чақиринг.**
**— Менга қаранг, мен швейцар эмас, кема капитаниман.**
**— Ундай бўлса, кема чақира қолинг.**

***

**Самолёт мажбуран Африкага қўнибди. Йўловчиларни одамхўрлар ўраб олибди. Қабила бошлиғи ҳар бир йўловчини назардан ўтказибди.**
**— Манавини бугун еймиз, манавини янаги ҳафтага қолдирамиз. Жуда озғин экан. Жиндай боқмаса бўлмайди. Манавини эса қўйиб юборамиз.**
**— Нега энди!! — деб норози бўлди одамхўрлар.**
**— Нега бўларди, мен у билан Патрис Лумумба университетида бирга ўқиганман.**

***

**— Жаноби доктор, овқатдан олдин 100 грамм арақ ичиш соғлиққа зарарми!**
**— Йўқ, албатта. Фақат кунига 10 марта овқатланмаслик керак.**

***

**Бир изқувар жиноятчининг кетидан кузатиб юриб, йўқотиб қўйибди. Уни полиция бошлиғи чақирибди.**
**— Қандай қилиб жиноятчини йўқотиб қўйдингиз!**
**— У кинога кириб кетди, мен бу кинони кўрган эдим.**

***

**Ижод уйида бир адиб иккинчисидан сўради:**
**— Ҳозир нима қиляпсан!**
**— Хотиралар ёзяпман.**
**— Дуруст экан, мендан 300 сўм қарз олган жойингга келганинг йўқми ҳали!**

**"Ичакузар ҳангомалар" китобидан олинди.**

ХАЛҚ СЎЗИ
•
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, "Халқ сўзи"), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, "Халқ сўзи"), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, "Народное слово"), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, "Народное слово"), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — С. Рустамов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб №0001 Буюртма Г. — 1053 70362 нусхада босилди, ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топширилди—24.00.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк турон» кўчаси, 41. 1 2 3 4 5 6 Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00.